



**НЕОНЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШЛАНГИЧ  
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА “ТАРБИЯ”  
ФАНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИЖТИМОЙИ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.48.48.018>

Халилова Ҳабиба Маматқуловна  
Қаршии давлат университети мустақил тадқиқотчиси

*Аннотация.* Мазкур мақолада неонологик ёндашув асосида бошлангич синф ўқувчилари онгида “ТАРБИЯ” фанини шакллантириши механизмларини такомиллаштириши ижтимоий зарурият сифатида таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада, ўқувчиларда миллий гурур ва ифтихор, моддий ва маънавий меросни асрраб-авайлашга қаратилган инсонпарварлик түйгусини таркиб топтиришида, мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришида “ТАРБИЯ” фанининг ўқитилиши, ўқув-тарбия жараёнининг натижавийлигига алоҳида эътибор қаратилиши мухим педагогик аҳамият касб этиши илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* ўқув-тарбия жараёни, узлуксиз таълим тизими, замонавий инновацион, ахборот коммуникация технологиялари, концептуал ғоя, методик шарт-шароит, педагогик жараён.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида замонавий инновацион, ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда “Тарбия” фанини ўқитишнинг концептуал ғояларини амалиётга татбиқ этиш, методик шарт-шароитларини аниқлаштириш, таълим-тарбия сифатини оширишга таъсири этувчи омилларни аниқлаш, айниқса, ўқув-тарбия жараёнининг натижавийлигига алоҳида эътибор қаратиб креатив ёндашувга асосланган ўқитиш моделларини ишлаб чиқиши зарурати кўзга ташланмоқда.

Мазкур вазифани амалга ошириш муаммосининг долзарблиги қўйидагиларга асос бўлмоқда:

биринчидан, таълим назарияси ва амалиётида ҳар бир шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён, инсоннинг жамиятда яшашини таъминлашучун зарур бўлган ақлий жисмоний, бадиий эстетик ва ахлоқий маънавий хусусиятларни таркиб топтиришга йўналтирилган “Тарбия” фанини ўқитишни неонологик ёндашув асосида такомиллаштириш;

иккинчидан, ўқув тарбия жараённида таълим жараёнининг негизи бўлган беш йўналишда кечадиган: иймон тарбияси, маънавий тарбия, дунёвий тарбия, жисмоний тарбия, руҳий тарбия асосларини бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантириш;

учинчидан, “Тарбия” фанини ўқитишда янгича, тизимли ёндашув, асосида ижтимоий-педагогик имкониятларни тўлиқ юзага чиқариш ва фанлараро илмий-методик узвийликни янги даражага қўтаришни

тақозо этади.

Бошлангич синф ўқувчилари онгида “Тарбия” фанини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш таълим жараёнининг негизи бўлган, доимий дикқат ва эътиборни талаб қиласидиган, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган педагогик муаммодир. Нега деганда, ҳар бир шахснинг жамият мақсад ва манфаатларига мос келувчи интилишлари унинг маънавий дунёси, нуқтаи назарлари ва шу асосда шаклланган идеали орқали тартибга солинади.

Очиқ ахборот тизимида, интернет глобал тармоғидаги янгиланишлар, “оммавий маданият ривожи” акцелирация жараёнини бир қадар тезлаштириб юборди десак муболага бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганд бошлангич синф ўқувчилари онгида “Тарбия” фанини шакллантириш замирида, юксак ахлоқий идеалларни шакллантириш маънавий эҳтиёжга айланди.

Айтиш ўринлики, тадқиқотимиздан кўзланган мақсад ҳам бошлангич синф ўқувчилари онгида “Тарбия” фанини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг инновацион классификациясини, мезонларини, омилларини, шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқишидан иборат.

О. М. Жабборова, З. Абдурахмановналарнинг интернет мақоласида “Тарбия” фани мамлакатимиз таълим тизимида янги бўлиб, уни ўқитиши асослари, методлари ва технологиялари ишлаб чиқилиши керак. Шу сабабли мазкур фан ўқитувчиларининг кўникмаларини кучайтириб бориш, бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини унга тайёрлаш ва муаммолар бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тақозо этилади. Бу борадаги тажрибалар мувофиқлаштириб борилиши мақсадга мувофиқлиги алоҳида эътироф этиб ўтилган. [8;]

Ҳақиқатдан ҳам “ТАРБИЯ” фанини асосий фанлар сифатида ўтилишини таъминлаш муҳим педагогик ва ижтимоий аҳамият касб этади. Алоҳида эътироф этиб ўтиш жоизки, бошлангич таълим - бу таълим тизимининг энг муҳим ва асосий босқичи бўлиб, боланинг таълим фаолияти етакчи фаолиятга айланади. Шу даврда қўллаб - қувватловчи билимлар тизими, субъектлар ва универсал ҳаракатлар усуслари дастлабки шаклланиш жараёни ҳисобланиб, у бошлангич, ўрта мактабда ўқиши давом эттириш имкониятини беради. Ўз билимини бутун ҳаёти давомида яхшилаш истаги ва қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Шу нуқтаи назардан қараганда умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фани 1-4-синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ўқув йили давомида эса 34 соат ўқитилилади. «Тарбия» фани бўйича ўқув-услубий таъминотнинг ахборот платформасини яратиш мақсадида интернет тармоғининг [www.tarbiyam.uz](http://tarbiyam.uz) доменида фанга доир маълумотлар ва вазифалари баён этилган ўқитувчига услубий ёрдам кўрсатувчи маълумотлар базаси яратилди. Бу платформада ўқитувчилар учун «Тарбия» фанининг мақсад-вазифаларини очиб берувчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар –



фан концепцияси, Давлат таълим стандартлари, ўкув дастури, услугий тавсиялар, тақвим-режалар, фанни ўқитишга доир технологиялар, дарс ишланмалари, қўшимча манбалар жойлаштирилмоқда. Шунингдек, платформада ўқувчилар ва ота-оналар учун маҳсус рукилар ҳам мавжуд. [9;]

Ш.Шерматов фикрининг мантиқий давоми сифатида айтишимиз мумкинки, неонологик ёндашув асосида бошлангич синф ўқувчилари онгида “ТАРБИЯ” фанини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш ижтимоий зарурият. Чунки бошлангич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва қўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Бошлангич синфларда “ТАРБИЯ” фанининг ўқитилиши ҳам ёшларни фикрлашга ўргатадиган, уларни миллий қадриятларимизга содик, ватанпарвар этиб тарбиялашга муҳим аҳамиятга эга.

Бошлангич таълимда “ТАРБИЯ” фанининг ўқитилишининг асосий мақсади сифатида қуидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш;
- ўқувчиларнинг индивидуаллигини инобатга олиш ва уни қўллаб-қувватлаш;
- ўқувчиларда билим олиш истаги ва қобилиятини шакллантириш;
- ўқувчиларда миллий гурур ва ифтихор, моддий ва мъянавий меросни асраб-авайлашга қаратилган инсонпарварлик туйгусини таркиб топтириш;

- ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Бошлангич синф ўқитувчилари ўқувчиларга ўз билим ва қўникмаларини етказишида “анъанавий таълим” тизимининг замон талабларидан анча орқада эканлигидан хабардор. Шу сабабли, ўқитувчилар ўз ўкув машғулотларини, дарсларни ривожланиш режимида ташкил этиб, таълимнинг янгича ёндашувларини жорий этишлари ҳамда фаоллик ёндашуви асосида таълим сифатини таъминлайдиган илғор методлардан фойдаланишлари зарур.

Бошлангич таълим жараёнида ўқитувчилар асосан қуидаги принципларга амал қилишлари лозим бўлади:

- ўкув машғулоти ўқувчининг психологик хусусиятлари ва имкониятларини, унинг шахсияти ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қурилади;
- ҳар бир ўкув предметини ўрганиш методологияси ўқувчининг умумий ривожланиши, таълим фаолиятини шакллантиришга йўналтирилади;
- таълим бериш ўқувчининг индивидуал ривожланиш кўрсаткичларини ҳисобга олиш, юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш ва унинг қобилиятини қўллаб-қувватлаш имконини

берувчи дифференциацияга асосланади;

- асосий эътибор машғулотнинг якуний натижасига қаратилади.

Бошлангич таълимда “ТАРБИЯ” фанининг ўқитиши жараённида таълим сифатини оширишда қуидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофик:

натижа сифати (билим, малака, ижодий фаолият тажрибаси, тарбия маҳсули, шахснинг ривожланиш сифати)

таълим жараённининг сифати (таълим жараённининг мазмуни, ўқитиши сифати)

янги авлод ўқув-методик мажмуаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

умумтаълим фанларининг ўқитиши методологиясини такомиллаштириш асосида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш

Изчиллик қоидаларига амал қилган ҳолда биз “Тарбия” фанини ўқитишишининг умумий лойиҳаси;

- 1) фанни ўқитишига бўлган ижтимоий эҳтиёж (зарурият);
- 3) фанни ўқитищдан кўзланган мақсади;
- 4) тарбия фанини ўқитиши мазмуни (шакл, метод, усул ва техник воситалар);
- 5) ўқитувчи (тарбиячи) фаолияти;
- 6) таҳсил олувчи (тарбияланувчи) фаолияти;
- 7) тарбия фанини ўқитиши самарадорлик даражаси (натижа) хамда бошлангич синф таълим жараённида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз шахснинг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига ургу берамиз.

Сабаб: тарбия жараёни ташқи омиллар, ижтимоий муносабатлар, атрофдаги жамоаларнинг хамда ички омиллар – жамоа ичидағи муносабатлар, алоқалар ва ҳоказоларнинг таъсири натижасида амалга оширади деган хulosага келдик. Таълим тарбия узвийлигидаги фаолият ва жамоавий муносабатлар тажрибасининг тўпланиши ўқувчилар интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини шакллантирадиган асосий ва бош кучдир.

Тарбия фанини ўқитишиша бошлангич синф ўқитувчисининг соҳа мутахасисси сифатида педагогик, психологик, этик, эстетик жиҳатдан баркамол, ўзлигини англаган, дунёқараши кенг, соғлом фикрли, интеллектуал салоҳиятли бўлиши муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Демак, илмий-педагогик психологик изланишларига асосланиб айтишимизмумкини, “Тарбия” фанини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришда бошлангич синф ўқитувчисининг креативлиги ва компетентлилиги асосий роль ўйнайди.

Бошлангич синф ўқувчилари онгидаги “Тарбия” фанини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш тавсифини биз жадвал кўринишида қуидагича акс эттирдик.

1-жадвал

## Бошлангич синф ўқувчилари онгида “Тарбия” фанини шакллантириши механизмларини таомиллаштириши тасвиғи

Педагогик адабиётларда “Тарбия” атамасининг ишлатилиши.	“Тарбия” дарслигининг тузилиши	Фаннинг мақсади	Фаннинг вазифалари
<p>Кенг маънода тарбия: инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга каратилган барча таъсирлар, тадбирлар, харакатлар, интилишлар йигиндисини англатади.</p> <p>Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожи, дунёкараши, маънавий ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади.</p>	<p>1 синфда дарслигида дастлаб ўқувчи орзуларни аниқлаб олиши режалаштирилган;</p> <p>2 синф дарслигида ўз олдига мақсад кўя олиш кўникмаси шакллантирилади;</p> <p>3 синф дарслиги. Фанни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи мақсад ва орзу умидларини амалга оширишга ҳарақат қилиш кўникмалари пайдо бўлади.</p> <p>4 синф дарслиги. Ўқувчи атрофида бўлаётган воеа ходисаларга sogлом муносабат билдира олади, шахс сифатида ўзини англайди ва ўзини хатти харакатларини таҳлил қиласди.</p>	<p>Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида юксак маънавий – ахлоқий салоҳиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, мантикий тафаккурга эга масъулиятни чукур хис қиласди ўқувчи ёшларни тарбиялаб вояга етказишни назарда тутилган.</p>	<p>- илмий тафаккурни бойитиш; - ўқувчиларда билим ва кўникма шакллантирил ади;</p> <p>- фаол фуқаролик позицияси шакллантирил ади;</p> <p>- давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар томонидан билим ва ҳаётий кўникмаларни нг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш</p>

Бошлангич синф ўқувчилари онгида “Тарбия” фанини шакллантириш механизмлари бир қатор тасниф ва вазифаларни ўз ичига олади. Фанни илмий асосда ташкил этишда биринчи ва энг асосий мезон ўзлаштириш объектига қаратилади. Масалан, таълимдан кўзланган мақсад уч хил бўлади:

- таълимнинг мазмуни, таркиби, элементларини ўзида акс эттиради;
- таълим тизими ва унинг ижтимоий муносабатларини ўзида акс эттиради;
- таълимни назарий ва амалий асослаб, истиқболдаги ривожлаш йўлларини ўзида акс эттиради.

Таълим мазмунини бойитиш асосида бошлангич синф ўқувчилари онгида “Тарбия” фанини шакллантириш тизими қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

## 2-жадвал. Таълим мазмунини бойитиш асосида бошлангич синф ўқувчилари онгидаги “Тарбия” фанини шакллантириши тизими.



Таълим мазмунини бойитиш асосида бошлангич синф ўқувчилари онгидаги “Тарбия” фанини шакллантириш педагогик тизим бўлиб, унда педагогик обьектлар ва жараёнларнинг хусусиятлари қайтадан шакллантирилади. У:- умумлаштирилган реал жараён; - тажрибанинг намоён бўлиши; - маълум бир қолипдаги ҳаракатлар тизимидан иборат. [7;]

Таълимнинг замонавий методологиясига асосланиб айтишимиз мумкинки, таълим мазмунини бойитиш асосида бошлангич синф ўқувчилари онгидаги “Тарбия” фанини шакллантириш жараёни ўқув фаолияти юқори самарадорликка эришиши, ўқитувчининг ўз билимини намоён этиши, ўқувчиларига етказа олишидаги педагогик маҳорати, компетентлилиги, дидактик омиллар ва психологик талабларни ҳисобга олган ҳолда таълимнинг ҳар хил шакли ва услубларини уйғунлаштириши билан характерланади.

Изчиллик қоидаларига амал қилган ҳолда биз бошлангич 1-4 синфларда ўтиладиган “ТАРБИЯ” дарслигини таҳлил қилиб чиқдик. [3;4;5;6;]

Умумий ўрта таълим мактабларининг 1–синф учун мўлжалланган “Тарбия” (Бахт ва муваффақият сирлари) дарслигига мактаб остонасига қадам қўйган биринчи синф ўқувчисига “Одоб дурдоналаридан” илм бериш бериш, “Биргаликда ўқиймиз”, “Оила даврасида”, “Ижодий фаолият”, “Ақлни чархлаш” каби йўл кўрсаткичлари белгилаб берилган.



1–синф учун мўлжалланган “Тарбия” (Бахт ва муваффакият сирлари) дарслиги	2–синф учун мўлжалланган “Тарбия” (Бахт ва муваффакият сирлари) дарслиги	3–синф учун мўлжалланган “Тарбия” (Бахт ва муваффакият сирлари) дарслиги	4–синф учун мўлжалланган “Тарбия” (Бахт ва муваффакият сирлари) дарслиги
<p>“Ватан ишончи”, “Саломлашиш”, “Менинг орзум”, “Билим олиш сирлари”, “Менинг севимли эртак қаҳрамонларим”, “Хар нарсанинг ўз ўлчови бор”, “Менинг маҳалламда яшаш яхши”, “Нотаниш киши ким?”, “Хавфли вазиятларда ҳаракат килиш”, “Зуқко ўқувчи ўйини”, “Сехрли сўзлар”, “Қалб ойнаси”, “Телефондан фойдаланиш коидалари”, “Ташки кўриниш одоби”, “Яхши ва ёмон одатлар”, “Сой бўйида”, “Соф танда соглом ақл”, “Дастурхон атрофида”, “Дастурхон атрофида ўтириш одоблари”, “Жамоат жойида ўзини тутиш”</p>	<p>I БОБ. Имкониятлар эшиги “Оlamни маҳлиёй айлаган диёр”, “Имкониятлар ва эҳтиёжлар”, “Мен қандай инсон бўлишим керак” II БОБ. Оиладаги муносабатлар. “Кариси бор уйнинг париси бор”, “Мактабим - қадрдоним”, “Тенгдошларим ютуқлари”, “Ким бўлсам экан” III БОБ. Тартиб интизом – ҳамроҳинг бўлсин ҳар он “Инсон ҳаётида қоидаларнинг ўрни”, “Жамоат транспортида”, “Соф танда соглом ақл”, “Хавфсизлигинг ўз кўлингда”, “Яхши ва ёмон одатлар”, “Ёлғоннинг умри қиска”, “Бирорвнинг ҳаки”, “Тартиб ва интизом – муваффакият сари илк қадам”</p>	<p>I БОБ. Орзулар мақсадлар сари етаклайди “Мунособ фарзанд”, “Муваффакият қатъият ва меҳнат натижаси”, “Серқүёш хур ўлка”. II БОБ. Билим ва одоб – инсон зийнати “Энг буюк шараф”, “Билим олиш одоби”, “Ким бўлсам экан”, “Вақting кетди – баҳтинг кетди”, “Эҳтиёткорлик”, “Китоб билим манбаи”, “Электрон аҳборотлар”, “Кийиниш маданияти”, “Озодалик инсон кўрки”, “Озодаликни хонамиздан бошлаймиз”, “Инсон одоби билан гўзал”, “Мехр оқибат –инсоний фазилат”, “Кари билгани пари билмас”, “Кулогига қулоқчин тақкан “Кулоқсиз” бола”,</p>	<p>“Ватан мадхи”, “Ўзбекистон кўп миллатли давлат”, “Мард ва жасур инсон – Ватаннинг таянчи”, “Боболаримизнинг бебаҳо мероси”, “Мактаб энг улуғ даргоҳ”, “Китоб буюк донишманд”, “Билим тенгсиз хазина”, “Ватан байробини баланд тутайлик”, “Яхшилик қилиш хикмати”, “Имконият ва матонат”, “Ростгўйлик”, “Ҳалоллик муваффакият қалити”, “Тилга хурмат элга хурмат”, “Тежамкорлик”, “Фазилатлар инсон кўрки”, “Муваффакият бир жамоада айланишда”, “Барча инсонлар қонун олдида тенгдирлар”, “Хавфли вазиятларда нима қилиш керак?”, “Бахт оиласдан бошланади”, “Оиласвий китобхонлик муваффакият</p>

Дарслкларда берилган барча мавзулар ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш, ахлоқий кўникмаларини ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу ўринда фикр ўқувчининг фикрлаш ва ҳаёт тарзини ижтимоий талабларга мос тарзда таркиб топтириш, ўқувчиларда онгли интизомни тарбиялаш ҳақида бормоқда. Албатта, ўқувчиларида тарбия компонентларини такомиллаштиришда ижтимоий муҳит, жамият ҳаёти алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг дунёқараши жамиятдаги ижтимоий - сиёсий, иқтисодий - мағкуравий муносабатлар асосида юзага келадиган ахлоқий, хуқуқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда диний эътиқодлар таъсирида ўзгаради. [2;].

Хулоса қилиб айтганда дарслкда берилган “Дафтaringизга орзулар зинасини чизинг”, “Зинанинг ҳар бир погонасига ном беринг”, “Оила даврасида ҳар бир погонани эгаллаш учун нима қилишининг кераклиги ҳақида сухбатлашинг” каби мавзулар бошланғич синф ўқувчиларининг илмий, диний, дунёвий дунёқарашини шакллантириш билан бир каторда

- ўқувчининг ахлоқий тушунчасида бўлаётган янгиликлар;
- ўқувчини қамраб олган муҳит;
- ўқувчининг ўзгаларга муносабати;
- ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишини орттиришга хизмат қиласида ва “ТАРБИЯ” фанини ўқитиш ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июль 422 –сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларида «ТАРБИЯ» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4885018>

2.Б.Зиямухамедов.Педагогика / Б. Зиямухамедов. - Тошкент : «ТАМАДДУН»нашриети, 2014. — 256 б.

3.Тарбия 1: 1-синф ўқувчилари учун дарслк. 1-нашр. Fafur Fulom номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. Тошкен – 2020 –64 б

4..Тарбия 2: 2-синф ўқувчилари учун дарслк. 1-нашр. Fafur Fulom номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. Тошкен – 2020 –80 б

5.Тарбия 3: 3-синф ўқувчилари учун дарслк. 1-нашр. Fafur Fulom номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. Тошкен – 2020 –92 б

6.Тарбия 4: 4-синф ўқувчилари учун дарслк. 1-нашр. Fafur Fulom номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. Тошкен – 2020 –96 б

7.Методологик аспект. Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гурӯҳи. / Т.:ОЎМКХТРМ, 300 бет.

8. <https://xs.uz/uzkr/post/maktablarda-tarbiya-fanini-oqitish-qandaj-tashkil-etylgan-deputatlarning-savollariga-khalq-talimi-vaziri-zhavob-berdi>. <https://parliament.gov.uz/uz/Analytics/32949/>